

2022 й. «28» 6

ШАРТНОМА №

2022-518-11-168-ОВ-

Мартилов sh.

сон

Ободонлаштириш Бошкармаси бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан бошкарма бошлиги **И. Ниязов** бир томондан **ООО «ORIENT LIDER STROY» Х/К** бундан буён матнда «Пудратчи» деб аталувчи номидан раҳбари **А. Нурматов** иккинчи томондан ушбу пудрат шартномасини куйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Пудратчи» ушбу шартнома шартларига мувофиқ тегишли тартибда **Ёркин МФЙ А.Мухаммадалиев** кучаси асфальт коплмасини жорий таъмирлаш ишларини смета экспертиза хужатларига асосан бажариб беради. Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, «Пудратчи» га шартномада белгиланган суммада ҳақ тулайди.

II. БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИНГ БАХОСИ.

2.1. Бажариладиган ишнинг баҳоси **50000000** (Эллик миллион) сумми ташкил этади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» бажариладиган иш учун олдиндан 30 фоиз миқдорида аванс тўловини шартнома имзоланган кундан сунг 3(Уч) кун ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни шартнома бўйича иш бажарилиб, белгиланган тартибда қабул қилинган кундан бошлаб 30 (Уттиз) кун ичида амалга оширади.

3.2. Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бандида назарда тутилган ишларни бажариш учун куйидаги мажбуриятларини олади:

ўзининг ва (ёки) жалб этилган куч ёрдамида ушбу шартномада назарда тутилган ишни белгиланган ҳажм ва муддатда, тасдиқланган иш графигига асосан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га топшириш;

ёрдамчи-пудратчилар билан тузилаётган шартномалар хақида «Буюртмачи»ни огоҳлантириш;

ишни бажариш вақтида техника хавфсизлиги, атроф-муҳитни, экин ва ер участкаларини муҳофаза билан боғлиқ тадбирларни амал ошириш;

қурилиш таваккалини суғурта қилиш;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш;

4.2. «Пудратчи» ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган ишни ўз кучи ва (ёки) жалб этилган кучлар ёрдамида сифатли бажармаганлиги, шунингдек, ишни белгиланган ҳажмда ва ўз муддатида бажармаганлиги учун «Буюртмачи» олдида мулкӣ жавобгар ҳисобланади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларини олади:

белгиланган тартибга асосан ишни бажариш учун «Пудратчи» га 30 % миқдорида аванс беради ва жорий молиялаштириш ишларини амалга оширади;

«Пудратчи» томонидан ишни бажариш жараёни, ишни бажаришда шартнома шартлари ва бошқа қелишувларга риоя қилинаётганлиги устидан назорат олиб боради, тугалланган ишни қабул қилиб олиншини таъминлайди;

10 кунлик муддат ичида «Пудратчи» нинг мурожаатларини кўриб чиқади ва расмийлаштиради; ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб __кунлик муддат ичида ишни қабул қилиб олиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари руйхатини «Пудратчи» га тақдим этади;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлик хажмда бажариш.

VI ИШНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома иккала томон имзолаган пайтдан бошлаб ва газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

6.2. «Пудратчи» ушбу шартнома иккала томон тарафидан имзоланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида тасдиқланган иш графигига асосан ишни бажаришга киришади.

6.3. Ишни топшириш муддати 30.06 2022 й

6.4. Ушбу шартнома буйича иш белгиланган тартибда тасдиқланган иш графигига асосан бажарилади.

VII. ИШНИ БАЖАРИШ.

7.1. «Пудратчи» ушбу шартнома буйича ишни бажаришни ташкил этишни лойиха-смета хужжатлари, ишни бажариш графигига мувофиқ мустақил белгилайди.

7.2. «Пудратчи» ишни бажариш тартибини давлат архитектура назорати органлари билан келишади ҳамда ушбу тартибга сўзсиз риоя қилинишини таъминлайди

7.3. Бажарилаётган ишларнинг ҳаафсизлиги учун «Пудратчи» жавобгар бўлади.

7.4. Ишни бажариш муддатига коммуникацияларга вақтинча уланиш ва бунинг учун ҳисоб-китоб қилиш «Пудратчи» томонидан амалга оширилади.

7.5.«Пудратчи» ишни бажариш учун ўзи томонидан ишлатаётган материалларнинг тегишли тартибда сифатлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

7.6. Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун «Пудратчи» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан «Буюртмачи» олдида жавобгар ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

8.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тулаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0, 4% пеня тулайди.

8.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % пеня тулайди.

8.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР.

9.1. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив - ҳуқуқий ҳужжати, томонларнинг хоҳишидан қатъий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг тушаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши кураш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомиллини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самаралиишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

10.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ва бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

10.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баргараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

XI. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

11.1. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» декабр 2022 йилгача.

XII. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

12.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Агар ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

12.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

12.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланиб ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.

XIII. ТОМОНЛАР ХУҚУҚИЙ МАИЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ПУДРАТЧИ»

ООО «ORIENT LIDER STROY»

адрес Фаргона ш. Фаробий куча №9/1

Тел/факс 999979799

Х/Р 20208000204579305001

ИНН 300210387

МФО 01131 Универсал банк Фаргона

фил.

Рахбар  А. Нурматов



«БУЮРТМАЧИ»

Ободонлаштириш бошқармаси

Адрес Мустақиллик 452А

х/р: 100022860304127045201110008

ИНН 200138992


Молия вазирлиги Газначилиги

Х/Р23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш. бош

бошқармаси ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар  И. Ниязов



YuRIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

2022-yil 28-iyun.

Marg'ilon shahar.

1. Loyihaning raqami: FN 50435452.

2. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi.

3. Loyihaning nomi: OOO «ORIENT LIDER CTROY» X/K tomonidan 50 000 000 (Ellik million) so'mga Yorkin MFY A.Muxammadaliev kuchasi asfalt koplamasini joriy ta'mirlash ishlarini smeta ekspertiza xujatlariga asosan bajarib berish to'g'risida.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot: Marg'ilon shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 27-iyun kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy hulosa: Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talabiga asosan ishlab chiqilganligini inobatga olib uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Marg'ilon shahar YuXK markazi
bosh yuriskonsulti



M.M.Miraxmedov